



УСМОНИЙЛАР ИНКИРОЗИ. Мусулмон давлатларининг юксалиши ва таназзулга юз тутишига куйидагича умумий йўсин хосдир. Муайян бир халк ўзига маълум бир жойда макон тутиб, униб-ўса боради. Дастлабки бир нечта хукмдор даврида унинг шиддати зўр бўлади. Анчадан кейин шашти сусайиб, наридан-бери яшашга ўтади, якингинада ўзи рад килган эски тартиб-коидалар таъсирига берила бошлайди. Ўзи забт этган ирklar билан чатишиб кетиб, хусусиятларини йўкотгач, ўзи ҳам кулаб тушганини билмай колади. Уларга Испания ва Форсда ҳам, Хиндистонда ҳам шундай кисмат насиб этди. Мана энди усмонийлар шу маррага келиб колган эдилар. Инкироз жуда якин колган. Бу даврга келиб султонлар кудратли якка хоким бўлиб олгандилар. Уларга энди хеч ким бас кела олмас эди. Истилочилик бобида ҳам султонларнинг армонлари колмаганди. Бирок Испаниядаги араблар сингари усмонийлар ҳам кайта уйғонаётган миллатларга дуч кела бошлаган эдилар. Султонларнинг аксарияти насроний кизларга уйланиб олишганди ёки уларни ўзларига жазман сифатида саклашарди, аждодларининг мусулмонлар устунлигига доир карашларига риоя килмасдилар. Хуллас, улар кўнгилларига келган иш билан машгул бўлганликларидан давлат юмушларини хукмдор шохбонуларга, маликаларга ёки бош вазирларга топшириб кўйган эдилар.

Истеъдодли бош вазирлар анча вақтгача султонлар жонига оро кириб, уларни ортикча ташвишлардан куткариб турдилар. Лекин бора-бора бундай вазирлар ҳам топилмай колди. Жоннисорлар ўжарлиги оша борди. Барча подшоҳларнинг тансокчилари сингари улар ҳам ўзларининг керакли эканликларини хис этишиб, мавкеларини суиистеъмол килишга ўтдилар. Маълум муддатга хокимиятни ўз кўлларига олиб, бошбошдокликка йўл кўйдилар. Уларга карши курашишга мажбур бўлган султоннинг кўли баланд келди. Лекин у жоннисорларни кириб ташлашга мажбур бўлдики, бу турklar давлатининг харбий кудратига путур етказди. Оврупо халклари оёкка тура бошладилар. Юз йил мобайнида усмонийлар гох голиб чикиб, гох мағлуб бўлиб, ўзларини химоя килиб келдилар. Сўнгра усмонийлар тасарруфида бўлган насроний халklarга Русия ёрдамга келди. Бу кучлар нисбатини ўзгартириб юборганлиги сабабли мавкеларини бой бериб, аста-секин заифлаша бордилар. Вилоятлар бирин-кетин кўлдан кетаверди. Натижада XVIII аср охирига етганда турklar бутунлай кучсизланиб, ўз ўтмишларининг бир шарпасига айланиб колдилар. Гарбий Оврупо султонни «бемор овруполик» деб атайдиган бўлди. Турklar давлатининг учинчи – инкироз даври ана шундай бошланди.

МУРОД III (1574-1595 йиллар). Турklar бирданига заифлашиб колмадилар. Мурод III тахтга ўтирганида улар кудратли давлатга эга эдилар. Лепантодаги мағлубиятдан кейин жуда катта кийинчиликлар билан денгиз кучларини тиклаган Салим II унинг отаси эди. Гоят жиддий йигит бўлган Мурод III буюк султонлик истикболига умид богларди. Бирок иккита аёл – Нурбону билан хотини бўлган италян заифаси София унга каттик

васийлик килишиб, тинчлик беришмасди. Улар хар доим давлат ишларига аралашиб турардилар. Султон аёллар таъсирида эканлиги хакидаги хабар Овруподаги давлатларнинг пойтахтларига ҳам етиб борди. Бу холат овруполикларни туркларнинг обрўсини тўкиш йўлларини кидириб топишга ундади, чунки илгаридан каттик тазйик ўтказиб келаётганликлари учун уларни бошка барча мусулмон халкларидан ёмон кўрардилар. Лекин бу гал салиб юришига ёки мукаддас иттифокка даъват этишга муваффақ бўлиша олмагач, сафавийлар шохини Венеъия бошчилигида усмонийлар империясига хужум килишга рози килдилар. Шох Тахмасп кўшинларга чегарани босиб ўтиш тўғрисида буйрук бериб, урушни бошлаб юборди, бироқ кўп ўтмай, ўзи казо килди. Ўгли Мухаммад Худобанда эса жуда бўш, ночор подшоҳ бўлганлигидан уруш ҳам беҳуда бир харакатга айланиб кетди. Хали куч саклаб колган турклар Кавказ оркали Форсга хужум килдилар. 1577 йили Тифлисни босиб олишиб, 1579 йили Карсда мустахкам калъа барпо этишди. Яна бир неча йилдан кейин, яъни 1585 йилда Табризни эгалладилар. Шундан кейин ҳам урушнинг боришида сезиларли ўзгариш юз бермагач, 1590 йили бу иккала давлат тузган сулҳга кўра, Гуржистон, Озарбайжон ва Ширвон турклар ихтиёрига ўтди. Энди уларнинг сархади Каспий денгизига бориб туташган эди.

АВСТРИЯ УРУШИ. МУХАММАД III ВОРИСИ УСМОН II (1595-1623 йиллар). Шу даврда турклар жанубий Русияга нисбатан мавкеларини мустахкамлаб олдилар, жанубий Украина рахбарлари эса султонга тобе бўлишди. Бу хол Австрия императорини каттик хаяжонга солди. 1580 йилдаёқ Туркия билан Австрия сулҳ тузганликларига карамасдан, улар чегарасидаги уруш яна бир неча йил давом этди. Ўн йилдан кейин кайта юз берган урушда Трансилвания шахзодаси Сигизмунд Басору императорга кўшилди. Туркларнинг шашти илгариги асрдагидан анча паст бўлганлиги сабабли уруш ҳам чўзилиб кетди. Айти шундай бир пайтда Мурод III вафот этиб, унинг малика Софиядан тугилган ва онасининг таъсирида бўлган ўгли тахтга ўтирди. У онасининг маслахатисиз бирор каттарок ишга кўл урмаса ҳам, Туркия-Австрия урушининг хал килувчи нукталарида тўғри карорга кела олиш учун зарур бўлган кучли шахсий табиатга эга эди. Австрияликлар Трансилвания шахзодаси билан алокаларини уздилар, можарлар рахбари Стефан Бошкей эса султонга иттифок тузишни таклиф килди. Султон Трансилвания подшоҳлигини ваъда килгач, у турклар томонига ўтди. Шунга карамасдан, Австрия-Можаристон бирлашган кучлари хали анча устувор эдилар. Улар Варнага етиб борганларига кадар шу устунлик сакланиб колди. Каршилиқ кўрсатаётган Мухаммад III шу ерда мустахкам жойлашиб олиб, турк жангчиларини мохирона олга бошлаб бориши натижасида ганимлар чекина бошладилар. Улар турклардан тортиб олиб эгаллаган ерларини ташлаб, Дунай дарёси ортига ўтиб олдилар. 1596 йил 24 октябрда Кереожтезда юз берган жангнинг учинчи куни туркларнинг йирик галабаси билан якунланди. Душман 30 минг жангчисидан ажралди. Уруш эса давом этаверди. Нихоят, 1606 йили Житвоторок сулҳига имзо чекилди. Австрияликлар шаркий Можаристонни ташлаб чикиб кетишди. Лекин бу мамлакатнинг гарбий кисми учун султонга товон тўлашдан халос бўлдилар. Шаркий Овруподаги султон бошлик кудратли давлат довриги узок давом этмади.

ИЧКИ ИСЁНЛАР. Усмонийлар Ўрта Оврупода ўзларини намоён килишлари мумкин эди, лекин ички исёнлар уларга панд бериб турди. Юкори Шомда Абдул Холим Кора Ёзижи исмли жоннисорлар додхохи бош кўтарди. Эдессу шахрини камал килган додхохни

тинчлантириш мақсадида унга Амурсия ҳокимлиги ваъда килинди. Шундан кейин у яна ҳам дадиллашиб кетиб, жанубда Дамашк ҳокимлигига ва шарқда Бағдодга ҳужум қилиб, енгиб чиқди. Унинг ўзи жангда ҳалок бўлгач, ишини укаси давом эттирди. Бу гал султон бир чора ўйлаб топишга ҳаракат қилиб, уларга раҳнамо бўла оладиган янги кишини юборди. У асосий тарафдорлари билан Истанбулда ҳозир бўлганларида эса уларни турклар камалидаги Буда яқинида австрияликлар билан давом этаётган урушга жўнатишни каттик туриб талаб қилди. Исёнчилар ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлдилар, исён ва кўзғолонлар тўхтайвермади. Халаб яқинидаги Клис шаҳар ҳокими, қурдлар сарқори Жонбўлод, Ливандаги друсслар бошчиси шахзода Фаҳруддин ҳам исён кўтардилар. Султон Шаркий Овруподаги ишларини изга солгач, Жонбўлодга қарши қўшин юборди. Мағлубиятга учраган қурдлар раҳбари шахзода Фаҳруддиндан бошпана сўраб, жон саклаб қолди. Ўзларининг жонажон тоғлик маконларида устунликка эга бўлган мутаассиб друсслар тариқати аъзолари султон қўшинларига самарали қаршилик кўрсатиб турдилар. Бирок Кичик Осиёдаги бошқа турли исёнларнинг ҳаммаси бостирилган эди.

ФОРС БИЛАН УРУШ. Усмонийлар империясининг қуёши бота бошлаганлиги равшанлашди. Айни бир пайтда ундан ғарбда – Марказий Оврупада ва унинг шарқий чегарасида, яъни Форсда қудратли давлатлар вужудга келди. Марказий Осиёда Хабсбург императори қуч-қувватга тўлиб борарди, сафавийлар Форсига эса буюк ҳукмдор Шох Аббос бош бўлган эди. У қўшинларини қайта қуроллантириб, торторлар (Ўрта Осиё турклари) ҳамда Туркия туркларига қарши бошлаб борди. Урмия қўли яқинида турклар устидан ғалаба қозониб, Бағдод, Мўсул ва Диёрбакирни қўлга киритди. Шунгача Табриз, Ширвон ва Карсни эгаллаган эди. Сал ўтиб, Гуржистон ва Озарбайжон ҳам тортиб олинди. Шу давргача турклар форсларнинг қўп нарсаларини ўзлаштириб келишарди. Энди эса йўқотганлирини қайтариб олиш навбати форсларга етган эди. Умуман, Ўрта Шарк мусулмонлари ўзаро деярли ҳуда-беҳудага урушавериб, ҳеч қачон бирлаша олмадилар. Хиндистонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бутун мусулмон дунёсида Турон билан Эрон ўртасидаги ўзаро ирқий-диний муросасизлик ва асрий рақобат сиёсий қелишмовчиликларни янада чуқурлаштираётган эди.

МУРОД IV (1623-1640 йиллар). Буюк Аббос вафотидан кейин турклар билан форслар ўртасидаги уруш қайтадан аланга олди. Ёш, сергайрат Мурад IV тахтга ўтирди. У Бағдоднинг Форсга қарамлигидан норози эди. Шу боис Форсни забт этишга фармон берди. Лекин ўша пайтда султоннинг бош қўшилмасидаги жоннисорлар кўтарилдилар. Улар ҳаддан зиёд қучайиб кетиб, назоратсиз қолган ва султон амр-фармонларига бўйсунмай қўйган эдилар. Навжувон султон нима қиларини билмай, бош вазирига маслаҳат солганида, у каттикқўллик билан йўл тутишни тавсия этди. Бирок султон четдан садокатли қучлар ёрдамига таянмасдан туриб бу бошбошдок қўшилмалар ховрини тушириб қўя олмади. У шундай қучларни вужудга келтиришга қарор қилди. Аввалига Онодўлидаги янги қўшинларни оёкка тургазиб, улар ёрдамида жоннисорларнинг бошлиқларини каттик жазолади. Насронийлардан жоннисорликка олинишга чек қўйиб, бунга норозилик билдирган уларнинг саркардаларини вазифаларидан бўшатди, шундай қайфиятдаги қўшилмаларни қайта қуриб, қучайтириб, Форс ҳудудига босиб қираркан, 1630 йили Хамадонни босиб олди. Бир неча йилдан кейин Ереван ва Табризни қайтариб олиб, 1638 йили Бағдодни қўлга киритди. Ўша

пайтда Мурод IV белгилаб берган шартлар асосида ракиблар ўртасида тузилган сулх-битимга кўра, Багдод ўрнига Ереван кайтарилиб берилди.

МУРОД – СЎНГГИ КУЧЛИ СУЛТОН. У ёшлигиданок ўзини кўрсата билди, харам таъсиридан кутулиб, жоннисорларга карши катъий чоралар белгилади ва Шарқда усмонийлар давлатини кайта тиклади. Аждодлари сингари кучли бўлган Мурод киска муддат хукмронлик килганлигига карамасдан, кўп натижага эришди. У кўшинига шахсан ўзи саркардалик килган сўнгги султон бўлди. Гарчи салафлари даражасида кўзга кўринарли якка хоким бўлмаган эса-да, ўз номи хурмат билан тилга олинисига эришди. 1640 йили, яъни Форс билан узок давом этган уруш тугашидан кўп ўтмай, вафот килган Муроддан кучли кўшинлар колди. Унга яхши ёрдам бериб турган истеъдодли бош вазири Кора Мустафо вориси, яъни 1640 йили тахтга ўтирган унинг укаси Иброхим подшоҳлигида ҳам хизматини давом эттирди.

КОРА МУСТАФО. Иброхимнинг онаси ва учта хотини биргалашиб уни изга солмокчи бўлишарди. Хайриятки, бош вазир кобилиятли маъмур ва давлатининг садокатли хизматкори эди. У Муродга куруклик кўшинларини ва харбий-денгиз кучларини шакллантиришда ёрдам килди, порахўрликни ва шундай хатти-харакатларга имкон берадиган хукукий нуксонларни бартараф этди. Шу боисдан ҳам жоннисорлар ичида унга ганимлик кўзи билан каровчилар жуда кўп эди. Кейинрок Кора Мустафо солик тартибларида ҳам ўзгариш ясаб, фукаролардан чиккан амалдорларни ўзига карши килиб кўйди. Мурод тўртинчининг тазйикидан халос бўлган жоннисорлар ва давлат амалдорлари бирлашиб, султоннинг кариган онасига карши кураш бошлашиб, голиб чикдилар. Ўз навбатида у ўгли Иброхим биринчини Кора Мустафо даф килиниши зарурлигига ишонтира билди. Иродаси бўш Иброхим бунга рози бўлиб, бош вазирни катл этишга буюрди. Мурод вафотидан икки йил кейин Кора Мустафо ҳам ўлдирилди.

ВЕНЕЦИЯ БИЛАН УРУШ (1645-1654 йиллар). 1645 йили туркларнинг бошка доимий ракиби – Венеъия билан уруш бошланиб кетди. Венеъияликлар усмонийларга карши хар кандай харакатга бош кўшиб, улар билан асрлар бўйи жанг килиб келдилар. Энди уларда илгариги куч-кудрат йўк эди, лекин усмонийлар ҳам айтарли хукмдор эмасдилар. Турклар венеъияликларни шу кадар тез-тез савалаб туришларидан уларни менсимайдиган ҳам бўлиб колган эдилар. Лепанто якинидаги катта мағлубиятга карамасдан, турклар хали ҳам Ўртаер денгизи атрофидаги буюк давлат хисобланардилар. Венеъияликларнинг сўнгги калъаси бўлган Крит ороли Эгей денгизига кираверишдаги жуда кулай мавкени эгаллаб турганлигидан Венеъиянинг савдо кемаларига посбонлик киларди. Шу денгиздаги деярли барча оролларни эгаллаган турклар Критни ҳам забт этишни ўзларига максад килиб кўйдилар. Туркларнинг харбий-денгиз кучлари 1664 йили оролга якин келиб кўшин туширдилар. Катта оролда камгина кўшин бўлганлигидан турклар хатто унинг пойтахти Канеага етиб борганларида ҳам жиддий каршиликка учрамадилар. Шу ерда хужум тўхтаб колди. Чунки турклар айш-ишратга берилган рахбарлари учун жонларини жабборга бериб жангни давом эттиришдан барака топмасликларини яхши тушуниб етдилар. Улар султон ўз харами билан овора эканлигини, унинг ишларга кизикиши йўклиги Крит оролини забт этишга монелик килганлигини хис этдилар. Бундай туйгу ахолининг тобора кенг катламларини камраб ола бориб, фиркалар эътиборини ўзига торта бошлади.

Натижада саройда исён кўтарилиб, султон ўлдирилди. Бирок туркларнинг муваффақиятсизлиги ва катъий сиёсат йўқлигидан келиб чикувчи муаммолар очиклигича колаверди.

КАЛБАКИ ХУКМРОНЛИК ВА УНИНГ ОКИБАТЛАРИ. Энди харам бош хукмрон бўлиб колган эди. Бундай ахвол анчагача давом этди. Унинг энг ёмон хусусиятларидан бири зобитларни сотиб юбориши бўлди. Султон ва саройдаги бир гурух хийлагарлар мансаб ва лавозимларни пуллашга ўтдилар. Ишга фойда келтириш, халоллик ва кобилият кадрланмай колди. Таъсир кўрсатиш, мунофиклик, соткинлик умумий хоким эди. Кўп пора эвазига бирор мансабга эришганлар уни юз хисса килиб халкдан ундириб олардилар. Улар адолатли рахбарлик килиш ва давлатнинг фаровонлиги тўғрисида деярли бош котирмасдилар. Сарой ахлининг энг таъсирли гурухи бундай барча ишлар учун асосан мансабфурушлар ва олди-сотдилар таянчи бўлиб турган жоннисорларни айблашга даъват этилганди. Хали кучли ва ўз килмишларида аёвсиз бўлган жоннисорлардан одамлар кўркишарди. Борди-ю, бирор вазир, султон ёки давлат арбоби ана шундай корчалонлар бошлигини ёки унга карам кишиларни ишдан бўшатгудек бўлса, шу одам ўзини кувгин килинган хисоблаб, атрофига гурухлар тўплай бошларди. Улар мамлакат бўйлаб санкиб юришиб, ўзлари учун истехкомлар бунёд этишарди. Шундай килиб, конунсизлик кенг ёйила боргани сари аста-секин халк ичида султоннинг обрўи хам путурдан кетди.

БОШ ВАЗИР МУХАММАД КЕПРУЛУ (1656-1661 йиллар). Турклар инкирозини кузатиб турган овруполиклар Истанбулда ўз айгокчиларига эга эдилар. Кўпгина машхур турклар насроний аёлларига уйланишган бўлиб, шу хотинлар ота-оналари ва Оврупо билан алокалари бўлганлигидан хар кандай воқеа тўғрисидаги хабар дархол керакли жойига етиб борарди. Туркларнинг ички душманлари бўлмиш венеъияликлар шундай давлат янгиликларидан биринчи бўлиб фойдаланиб колиш пайида юрардилар. Улар Адриатика денгизининг шаркий Долматия сохилидан туркларни суриб чикаришга киришдилар. Сурбетликлари ошганидан ошиб, Эгей денгизига харбий кучлар хам йўллашди. Улар Дарданелл якинидаги Парос оролигача сузиб боришгач, туркларнинг денгиз кучларига хужум килиб, галабага эришдилар. Бу воқеа саройдагиларнинг хаммасини вахимага солди. Султон Мухаммад IV (1647-1687 йиллар) хали ёш бола. Унга кучли рахнамо белгиланган. Яхшиямки, саройда Мухаммад Кепрулу исмли шундай доно давлат арбоби бор экан. Бош вазирлик вазифаси таклиф килинганида у империя бахт-саодати йўлида хамма ишни килишига ваколат берилмагунча бунга кўнолмаслигини билдирди. Султоннинг рози бўлишдан бошка иложи йўқ эди. Мухаммад саройни порахўрлик ва фиск-фасоддан тозалашга киришди. У йирик тадбирларни катъиятлик билан амалга ошириб, чакки килмади. Жоннисорлар хавф-хатар тугдираётганлигини сезиб колгудек бўлса, асосий бузгунчиларни ушлаб катл эттирди. Ўзига карши бош кўтарган сарой эркатойларини хам аяб ўтирмади. Бекорчи пули кўп бўлган зодагонлардан давлатга карз бериб туришни сўрарди ёки насиёга олаётганлигини билдириб кўйган холда султоннинг шахсий жамгармасидан бемалол фойдаланаверарди. Бу бир сўзли, катъиятли ва жуда малакали киши сал ўтиб, Венеъия устидан галаба козонди. Бекиёс катта имкониятларга эга бўлган турклар империяси факат кучли хукмдор ва акл-заковатли маъмурга мухтожлик сезарди. Ўз вазифасига киришаётиб, Мухаммад Кепрулу империя душманларидан осонликча халос бўламан, деб ўйлаганди. Шаркий

Оврупода Трансилвания султониға қарши кўтарилган Жорж Ракожини турк кўшинлари тор-мор келтирдилар. 1661 йилда бош вазирнинг вафот этганлиги салтанат учун катта йўқотиш бўлди.

АХМАД КЕПРУЛУ (1661-1678 йиллар). Мухаммаднинг ўғли Ахмад бош вазир сифатида отаси ишини давом эттирди. Хукуматни бошқаришни яхши негизга қуриб кетган падари бузруквори сиёсатига содик қолиб, унинг аклий меросидан яхши фойдаланди. Энди кўпол чора-тадбирларга ўрин қолмаган эди, шу боисдан ҳам у жуда одоб ва катъият билан иш қўрар, султонга хушомад қилиб, унинг душманларини эса доғда қолдирар эди. Муомалага гоят уста Ахмад империя ишларида тартиб ўрнатиш мақсадида тез-тез музокара ва муромага мурожаат қилиб турарди. Бироқ бир нарсa – турк кўшинларининг аҳоли унда ташвиш уйғотар эди. Уч аср давомида барчадан аъло бўлиб қелган турклар ниҳоят овруполикларга нисбатан ночор қуролланганликлари қўзғашланиб, жангларда насронийлар устунлиги сезила бошлаганди. Бундан ташқари шу пайтгача турклар билан савошиб қелган Оврупо халқлари энди ўзаро уюшадиган, додхоҳлар, ахборот ва тажриба алмашадиган бўлиб олдилар. Бу давр турклари илгариги султонлар салтанатиға хос сабот ва жасоратдан анча йироқ эдилар. Гўё уч аср давом этган истилочилиқ ва енгиллик энди хун талаб қилаётгандек туюларди. Форс уларни ўз ватанларидан – Ўрта Осиёдан узиб қўйди. Овруполиклар янги-янги ихтиролар ва қашфиётлар билан ўз қудратини ошириб бораётган эдиларки, бундан турклар билан олишиб, қолиб қика олишларига ишончлари тобора муштаққамланаётган эди.

ВЕНАНИНГ БУЮҚ КАМАЛИ (1663 йил). Венанинг турклар томонидан қамал қилиниши, Хабсбург императорининг хийла-найрангларига қарши уюштирилган юришлар Ахмад Кепрулу ҳукумати билан боғлиқ дастлабки воқеалар бўлди. Ўзи устидан ҳукмрон султонга қарши бош кўтарган Трансилвания шахзодаси Жорж Ракожи тахтдан ағдарилиб, унинг ўрнига Апафия ўтқазиб қўйилди. Бу номзоднинг танланиши можараларга маъқул тушмай, улар императорга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Император бу амалга қойибдан юборилган яхши бир баҳона сифатида қаттиқ ёпишиб олди. Можорлар Апафияни эътироф этишдан бош тортдилар, бу эса Трансилванияда султон ҳукмрон эмас, деган маънони аңлатарди. Турклар сафарбар бўлишиб, уруш билан жавоб қайтардилар. Оврупода Папа барчага одатдаги оддий даъват билан мурожаат қилганида бунга қитъадаги қўпчилиқ давлатлар ижобий муносабат билдирдилар. Хатто Фарангистон қироли Людовиг XIV султонга иттифокчи бўла туриб, Австрия императори учун 20 000 қишилиқ қўшин ажратиш илтимоси билан олмон иттифокчисига мурожаат қилди. Турк кўшинлари ҳамма зарур нарсаларни шайлаб, шимол томон йўл олишаркан, Вена дарвозаси олдига қелиб тўхташди. Қўрқиб қетган император Людовиг XIV 20 000 қишилиқ олмон қўшини берилиши тўғрисидаги тақлифини қабул қилиб, хатто швед қиролидан ҳам ёрдам сўради. 1663 йил 1 августда империя додхохи Монтесюли Санкт Готхард туркларга қарши урушга қиришганида Оврупонинг бирлашган қўшинлари унинг ихтиёрида турарди. Бу аслида янги қалиб уруши эди, қарчи энди шундай аталмаса ҳам, турклар бундай катта қучга қарши туришга тайёр эмасдилар. Улар ўзларига хос жасорат билан узок жанг қилган бўлсалар-да, мағлубиятга учрадилар. Бу сафар император билан султон ўртасида йигирма йиллик сулҳ тузилди. Шунга қиноан ўзига раҳнамо танлаш ихтиёрини султон Трансилваниянинг ўзига қўйиб берди. Бу султон қудратининг аста-секин қамая бораётганлигини

англатарди. Гарчи карамогидаги ерлар жихатидан ҳеч нарса йўкотмаган бўлса ҳам, бундай зарба унинг обрўйига сезиларли даражада путур етказди.

КРИТ ОРОЛИДАГИ ВА ПОЛШАДАГИ УРУШ. Турклар гоҳ у жабхада, гоҳ бу жабхада жанг килишарди, овруполиклар уларга узок осойишталик бериб қўйишмасди. Эгей денгизда жигига тегиб келаётган венеъияликлардан кутулиш учун турклар Крит оролини босиб олиш максидида унга хужум килдилар. Венеъияликлар Фарангистон ва Австрияни ёрдамга чорлашди. Фарангистон кемалари 7 000 жангчи билан етиб келганларида турклар ўзларини йўқотиб қўймадилар. Орол таслим бўлди, критликлар узок камалдан кейин 1669 йили пойтахтларини топширдилар. Тузилган битимда Венеъияга оролда учта калъага эга бўлиш рухсат этилди. Уч йилдан кейин янги уруш бошланиб кетди. Украина ўша пайтда Полшанинг бир қисми ҳисобланарди. Кримнинг мусулмон тортторлари ва казаклар асрлар бўйи унга хужум уюштириб турдилар. Илгари поляк киролининг фукароси бўлган казак атамани Дорошенко 1668 йили ўзига ўзи султон деган юсак ном берди. Шундан кейин поляклар турк ерларига хужум кила бошладилар. Турклар хужумни кайтарибгина қолмай, уларни Кичик Полша ҳудудидаги Лемберггача қувиб бордилар. Поляк миллий қаҳрамони Жон Собескийнинг майдонга чиқиши ҳам айна шу пайтга тўғри келди. Полшанинг нимжон киролини тахтдан ағдариб, 1676 йили унинг ўрнини эгаллаган бу раҳбар туркларга қарши амалга оширган йирик тадбирлари билан довраг таратди. Қўплаб жанглар олиб борар, лекин ҳаммасида ҳам голиб чиқавермасди. Дастлаб у Жанубий Украинадаги Подолияни босиб олди, сўнгра 1676 йили Днепр дарёсини кечиб ўтиб, Галициягача етиб борди. Бирок Зуравна яқинида турк қисмлари қуршовига тушиб қолиб, султон билан битим тузишга мажбур бўлди. Шунга биноан Подолия ҳамда Украинани беришига тўғри келди.

КОРА МУСТАФО (1678). РУСИЯ БИЛАН УРУШ (1677-1681). Аҳмад Кепрулу ўлиб, турклар империяси бошига катта мусибат тушди. У буюк маъмур ва тожу тахт ҳимоячиси сифатида султонлик обрўсини юсакларга қўтара олган эди. Унинг ўрнини эгаллаган гаразғўй, қайсар ва кибр-хаволи инсон Кора Мустафо хатарли иттифоклар тузиб, империя бошига янги урушлар бошлаб келди. Император Леополд I га қарши можар кироли Католи билан битим тузиб, Австрия билан тўқнашувга сабаб бўлди. Полша ва Русиянинг гижигжлашлари сабабли бўлса керак, шимолда казаклар турклар ерига хужум кила бошладилар. Казакларни турклар жазолаганликларини қўриб, Русия ўзининг илгариги фукароларига гамхўрлик кўрсатган бўлди. Уруш ҳар иккала томонга ҳам галаба келтирмаган эса-да, Русия муайян жузъий устунликка эга бўлганлиги сабабли султоннинг Украинани унга беришига, казакларга эса Кора денгизда савдо кемаларидан фойдаланиш ҳукуқини таъминлашига тўғри келди.

АВСТРИЯ БИЛАН УРУШ (1682-1689 йиллар). Русияга қарши урушдан кейин Австрия билан тўқнашув бошланиб кетди. Саккиз йил давом этган бу уруш жуда қимматга тушди. Турклар империясининг жонли қучлари ва моддий имкониятларини қуритди. Илгариги султонлар йўқ, Оврупода эса илмий ихтиролар ва кашфиётлар пишиб етилмоқда эди. Шу жихатдан ҳам туркларнинг рақиблари қурол-аслаҳалар билан яхши таъминланганликлари ва катта имкониятларга эга эканликлари қўриниб турарди. Давр тараккиётдан орқада қолишаётган туркларнинг жасурликдан бошқа ҳеч вақолари йўқ эди. Кора Мустафо 1683 йили турк қўшинларини Австрияга қарши бошлаб бориб Венани

камал килди. Бу шаҳарнинг турклар томонидан амалга оширилган сўнги камали бўлди, хужум эса жуда шиддатли ўтди. Турклар ўрнатган моддалар портлашидан шаҳар деворининг бир бўлаги кўкка совурилди. Австрияликларнинг Вон Стахренберг графлигида довюрак саркардаси бўлиб, тез орада унга гарбдан Чарлз Лоррейн ва шимолдан Жон Собеский кўшинлари билан келиб кўшилдилар. Яна овруполикларнинг туркларга карши бирлашуви юз берди. Камал давом этаётган бир пайтда нихоят музокаралар бошланиб кетиб, сулх тузилди. Султон ўз тасарруфидаги ерлардан ҳеч нарсани бой бермади, чунки турклар хали руҳан кучли эдилар. Лекин бу уларнинг шимолга килган охири энг узок сафари бўлди. Хатто ушбу битимнинг ҳам умри узок бўлмади. Чунки Папа ундан коникмаганлиги сабабли янги мукаддас иттифок тузилди. Венецияни Австрия билан бирлашишга кўндириб, Русия ва Полшани султонга карши отлангиздилар. Хали ҳам султоннинг иттифокчиси бўлиб қолаётган Фарангистон кироли Полшанинг иттифокдан чикиб кетишини талаб қилиб туриб олди. Бирок австрияликлар Оврупо Туркиясига катта кўшин билан хужум қилиб, 1684 йили Кроатинни босиб олишгач, 1685 йили Будапешт томонга чиқдилар. Венецияликлар Мореа (Жанубий Юнонистон) устига бостириб келган бўлсалар, руслар Азов ва Кримни қуршовга олдилар. Туркларга шу жабхаларнинг барчасида жанг қилишга тўғри келди. Бу нихоятда йирик муаммо бўлиб, уни ҳал этиш камдан-кам мамлакатларнинг кўлидан келарди. 1687 йили турклар Махакдаги иккинчи жангда савашаётган эдилар, бирок энди бутунлай бошқа давр бошланганди. Уларнинг мардона қаршиликларига қарамасдан, тақдир қилдираги бошқа томонга айланаётган эди. Чарлз Лоррейн туркларни енгиб чиқди. Бу мағлубият султонни бутун Можаристондан маҳрум қилди. Истанбулда Муҳаммад IV тахтдан ағдарилиб, ўрнига укаси Сулаймон III ни ўтказишибди, деган миш-мишлар тарқалди, лекин бундан натижа чиқмади. Австрияликлар хужумни давом эттириб, Белградни, сўнгра Видинни забт этдилар. Вазирликда инқилоб бошланиб кетиб, Қора Мустафони вазирлигидан четлатиб, Аҳмаднинг укаси Мустафо Кепрулуни бош вазирликка қўтардилар.

МУСТАФО КЕПРУЛУ. У турклар ишига барқарорлик бағишлашга муваффақ бўлди. Бу қобилиятли инсон катъий тартиб ўрнатишга бел боғлади. Ҳамма жойда яхшиланиш сезила бошлади. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ўнгланди, кўшинлар қучайиб, уларнинг жанговор руҳи қўтарилди, муваффақиятлари ҳам тезда кўзга ташланиб қолди: Булгариядан австрияликларни қувиб чиқардилар, Белградни қайта эгаллаб, Сербия ва Трансилванияни тортиб олдилар. Салем Кемен жангида (1691 йил, август) Мустафо Кепрулу Лукс Баденни енгиб чиқди. Жангда Мустафонинг ўзи ҳалок бўлганлигига қарамасдан, унинг кўшинлари олға томон интилавердилар. Шундай қилиб, турклар Шарқий Овруподаги ерларини қайтариб олишди. Янги султон Мустафо (1695-1703 йиллар) ҳам гайратли ҳукмдорлардан эди. У кўшинларга саркардаликни ўз қўлига олиб, Шарқий Овруподаги Темесвар Банати пойтахти бўлмиш Темесварни забт этди.

ТУРКЛАРНИНГ КАХРАМОНОНА ЖАНГИ. Бирок бу муваффақиятлар вақтинчалик бўлиб, бўрон олдидаги осойишталикни эслатарди. Энди қўтарилаётган ҳақиқий тўфон эса қарийб юз йил давом этди. Турклар неча марта лаб оёкка қалқидилар; кетма-кет жанглар давом этаверди, қахрамонларча қуч-гайратларига қарамасдан, улар мағлубиятга учрайвердилар. Ўзларидан устун кўшинларга, мохир додхоҳларга, қарийб бутун Оврупонинг ўзларига қарши бирлашган қучлари ва иттифокларига дуч

келарканлар, улар мавкеларини мустахкамлаб улгурмаслариданок чекинишга мажбур бўлардилар. Охирги марта ҳам улар жанговарлик фазилатлари етишмаганлигидан эмас, балки ички сиёсатнинг бўшлиги, эски тушунчалар, янгиликлардан кўркиш, саройда хушомадгўйлик ва порахўрлик авжига чикканлиги сабабли маглуб бўлдилар.

ЕВГЕНИЙ САВОЙСКИЙ ВА КАРЛОВЦИ БИТИМИ (1699 йил). Ўша даврда насронийларда Евгений Савойский исми йирик додхох бўлиб, уни айна шаркий жабхага йўллашди. Турклар билан кўплаб марта олишувларда енгилиш нималигини билмаган додхох биринчи галабани 1697 йил сентябрда Зента жангида турк кўшинларини тор-мор келтириб кўлга киритган эди. Рус подшохи Буюк Пётр турклар империясининг шимоли-шаркий жабхасида, Кримда Азовни камал килиб, охирида кўлга киритди. Бахти кайтган туркларга овруполик иттифокчилар 1699 йил январда Карловъи битимини зўрлаб тикиштирдиларки, унга кўра, турклар ўзларига тегишли Оврупо империясининг ярмидан махрум бўлдилар. Темесвар Банатини ҳамда Трансилвания, Кроатин ва Славонини истисно килганда, бутун Мохаристонга Австрия эга чикди. Полша Подолияни кўлга киритди. Азов денгизини кайтариб олган рус подшохининг кўнгли тўлмай колди.

ПОДШОХ ПЁТР КИЙИНЧИЛИКЛАРИ. Яна ўн йил ўтиб, Оврупода жиддий тўкнашув юз берди. Швеъиялик Карл Густав (Карл XII) рус подшохи Буюк Пётрнинг жуда катта режа ва ниятларини бузиб юборди. Бирок бир неча кичик галабалардан кейин руслар уни 1709 йили Полтава якинидаги жангда маглубиятга учратдилар. Султоннинг дўсти бўлган Карл Туркиядан ёрдам олишга ҳаракат килиб кўрди. У султонни русларга карши майдонга тушиш даъватига киришиб, ниҳоят уни Карл XII бой бериб кўйган ҳудудларини кайтариб беришни Русиядан талаб килишга кўндирди. Албатта рус подшохининг бунга рад жавоби тайин эди. Карловъи битими жуда каттик ботган турклар сафарбарликни бошлаб юбордилар. Подшох катта кўшин тортиб келди, лекин турклар Бессарабиядан ва шимолдан туриб хужум уюштириш оркали русларни алдаб қуршовга олдилар, Пётрни кўлга тушириш ниятида Прут дарёси якинида унинг кўшинларини ўраб кела бошладилар. Саркардаликни вазирига топшириб кўйганлиги туфайлигина у асирликдан омон колди. Жанг натижасида 1711 йилда Прут битими тузилиб, унга биноан Русия Азов денгизини Туркияга кайтариб берди.

ВЕНЕЦИЯ ВА АВСТРИЯ БИЛАН УРУШ. XVIII аср турклар тарихининг энг кайгули даври бўлди. Улар кетма-кет маглубият аламини тортиб, иснодга колавердилар. Венеъияликлар эгаллаб олган Монтенегода кўтарилган исён натижасида Венеъия билан Австрия ўртасида уруш келиб чикди. Бу воқеа турклар Венеъияга хужум килиб, Мореа ва Критни ўзларига кайтариб олишларига имкон берди, ўз навбатида бу шахзода Евгений Савойский бошчилигида Австрияни туркларга карши кўтарди. 1716 йилдаги Питерварден жангида Савойский турклар устидан яна галаба қозониб, Темесварни кўлга киритди ва юришларини давом эттириб, бир йил ичида Белградни ҳам эгаллади. Турклар музокара олиб боришни таклиф қилганликлари сабабли уруш 1718 йил июлда имзоланган бошка бир ҳақоратомуз битим – Пассаровъи шартномаси билан якунланди. Турклар Темесвар, Шимолий Сербия ва Кичик Валахиядан махрум бўлдилар.

МАХАЛЛИЙ ТАШВИШЛАР. Уларнинг ташки омадсизликлари империя ичидаги

махаллий мусибатларни эслатарди. Сафавийлар салтанати афгонлар кўлига ўтган эди. Сўнгги сафавий шахзода Тахмасп тожу тахтни эгаллашга жон-жаҳди билан интилди. Форснинг узок шимоли-гарбида у ўзига кароргоҳ белгилаб, турклар сарҳадига тез-тез хужум килиб турди. Султон Тахмасп карши курашга шайланмокчи бўлганида эса жоннисорлар султоннинг ўзига карши кўзголон кўтариб, уни тахтдан ағдардилар ва ўрнига жияни Махмуд I ни ўтказдилар. Бирок саройда бошланган бошбошдоклик икки йил давом этиб, факат жоннисорларни ушлаб, минглаб катл кила бошлаганларидан кейингина осойишталик ўрнатилди.

РУСИЯ БИЛАН БЎЛГАН УРУШ. БЕЛГРАД БИТИМИ. Кўп ўтмай, бошка хавф-хатарлар ҳам турклар безовталигини ошира бошлади. Бу галги ташвишларга рус маликаси Кетрин (Екатерина) сабаб бўлди. Бирок Русия билан бўлган 1739 йилги урушда турклар голиб чикдилар. Султоннинг иттифокчиси бўлган Фарангистон ундан Русиянинг Полшага нисбатан ниятлари хусусида норозилик билдиришни сўради. Турклар учун эса куч тўплаб олганларича холисроқ туриш мақсадга мувофик эди. Бирок шонли жангчилар бўлган улар доимий иттифокчилари билан бирлашган овруполикларнинг ўзларига нисбатан ноҳалол хатти-ҳаракатларини сезиб қолдилар. Боз устига Русия тобора жангарилашиб борарди. Қора денгизда эркин сузишни истаган руслар яна Азов денгизи учун турклар билан жиккамушт бўла бошладилар. Қрим ҳам, Волга дарёси хавзаси ҳам асрлар бўйи мусулмонликни қабул қилган торторлар ватани бўлиб қелди. Улар Русияда ўз давлатларига эга эдилар. XIII асрдан XV асргача қучли давлат бўлмаган Москва князлиги торторларга узок давр мобайнида мажбуран тоvon тўлаб турди. XV асрга, Иван Грозний даврига қелгандагина Москва мустанқликка эришди. То шунга қадар торторларга қарам бўлган руслар Волга дарёси хавзасидан махрум эдилар. Қрим торторлари ҳам турклар васийлигида бўлиб қелганликлари боис султон бу ерда ҳам руслар билан олишиб турди. Шундай қилиб, руслар Азов денгизига хужум қилганларида турклар мустанқам мудофаа ташқил қилдилар. Ўша пайтда Евгений Савойский вафот этган ва турклар Шаркий Оврупода австрияликларни осонгина енгишларига умид боғлаётган эдилар. Урушга яқун ясаган Белград битими туркларга Сербия, Белград ва Азовни қайтариб берди.

ДЕРЕБЕЙЛАР. Бирок турклар тинчлик гаштини суришларига ҳали эрта эди. Чунки ўша пайтда Кичик Осиёда қатта тартибсизликлар бўлиб ўтаётганди. Текисликларнинг эгалари, яъни уларнинг деробейлар деб номлана бошлаган ҳарбий авлодлари ўзларига у қадар қатта бўлмаган ярим мустанқил князликлар ташқил этишиб, солиқ тўлашдан ёки султоннинг талаби билан унга аскарликка одамлар беришдан бош қортдилар. Бу ҳалокатли мусулмон сиёсати қасалликларининг кўзиши эди. Марказ заифлашаркан, барча пароканда бўлақларни ягона бир империяга жипслаштирадиган янги марказий ҳокимият вужудга қелгунига қадар узок вилоятлар ёки ҳокимликлар мустанқил бўлиб олишарди. Бирор қучли шахснинг бошқаруви ҳеч қачон ҳалққа биргалиқда давлат тўғрисида гамхўрлик қилишга имқон берган эмас, гарчи ҳалқ ўша давлатга содиқ эканлиги тўғрисида онт ичиб турган бўлса ҳам. Суверенитет – ҳалқ иши деган демократия гоёси у пайтларда ҳали унчалик маълум эмасди. Ўша даврда империянинг қудратли ёки заиф бўлиши султонга, ҳукмдорларга боғлиқ бўлган замонлар эди. Туркия билан Форс ўртасида асрлар бўйи давом этиб қелган урушлар ҳар иққаласининг ҳам силласини қуришиб қўйди. Бу олишувлар туронликлар ва эронликлар ёки суннийлар

билан шиалар ўртасидаги эски ракобатнинг давоми эди. Лекин пировардида бу карама-каршилиқдан ҳеч ким ютгани йўқ, ҳар иккала томон заифлашиб қолди.

РУСИЯ КЕТРИНХОНИМИ. Ўша пайтда овруполиклар иккита уруш – Австрияни қуршаб олиш учун ҳамда етти йиллик уруш домига тортилган эдилар. Бу шиддатли олишувлар туркларнинг ўзларини ўнглаб олишларига имкон яратди. Улар бахтига Мустафо III сиймосида доно султонлари ва унга жуда мос вазирлари Рағиб Пошшо бор экан. Рағиб Пошшо вазирлик пайтида етти йил (1757-1763 йиллар) империянинг молиявий муаммоларини ҳал этишга ҳамда қўшинларни қайта қуришга куч-ғайрат сарфлади. У Онодўлининг тинчини бузиб келаётган даребейларни тартибга чакириб қўйишга ҳам вақт топа билди. Бирок осойишталик узок чўзилмади. Уни руслар, уларнинг дахшат солувчи шох маликаси Екатерина бузди. У ҳаракатларини Полшага ҳужумдан бошлади. Савашиб, чекинаётган поляклар ўзларидан устун қучлардан кетма-кет мағлубиятга учрамокда эдилар. Қўплари Туркия империяси ҳудудига қочиб ўтдилар, уларни таъкиб қилиб келаётган руслар ҳам турклар чегарасидан ўтиб боравердилар. Султон ҳали қучига ишонмаганлигидан урушга қўшилолмади турди. Бирок Фарангистон уни катта сиёсий ҳатога – Русияга уруш эълон қилишга бошлади. Малика гўё шуни кутиб тургандай иш қўриб, қўшинларини Молдавия ҳамда Валахия устига сурди. Сўнгра сафида қўплаб британ зобитлари бўлган денгиз қучларини Болтик денгизидан олиб, Эгей денгизи томон йўллади. Уларга нисбатан жуда қамқувват бўлган турк денгиз қучлари 1770 йилда Чашмий яқинида бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учрадилар. Пировардида руслар Кримни эгаллаб, турклар империяси ичкарасига қириб боравердилар. 1773 йили Русияда Пугачёв номи билан кўзғолон кўтарилмаганида, улар бу йўлларида тўхтамаган бўлардилар. Вужудга келган вазият маликани ўз қўшинларини орқага қайтаришга мажбур қилди. 1774 йилда имзоланган Қучук Кайнаржи битими эса Русия фойдасини кўзлаб тузилди: турклар Кримда Кенгбурунни, Еникалъа ва Керчни йўқотдилар. Крим торторларига мустақиллик гоёси сингдирилди, лекин улар султонни халифа сифатида ҳурмат қилаверишлари ҳам мумкинлиги айтиб қўйилди. Молдавия ҳамда Валахия Туркияга қайтариб берилди. Аммо Русия Шарқий Овруподаги насронийларнинг ҳомийси деб эътироф этилди. У Истанбулнинг насронийлар истикомат қиладиган Галат туманида черков қуришга руҳсат берилишини катъий талаб қилди.

АВСТРИЯ ВА РУСИЯ ИТТИФОКИ (1781 йил). Шу даврга келиб Русия билан Австрия ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилган эди. Улар туркларни Шарқий Овруподан қувиб чиқариш, ўрта аср юнон империяси Бизантумни қайта тиклаганларидан кейин юнонларнинг озод император хоними Екатеринанинг ўғли Константинни ўзларига бош қилиб танлашлари учун барча имкониятларни ишга солишлари ҳусусида қелишиб олдилар. Австрияликлар Болконнинг гарбий ярим қисмини эгаллашлари лозим эди. Ана шу битимга мувофиқ иш қўрган Екатерина 1783 йилда бутун Кримни ўзига ажратиб олди, бундан қаноат ҳосил қилмай, Кавказда Гуржистонни ҳам забт этди. Турклар ўз сарҳадлари ҳимоясига турганларида Австрия Русияга ёрдамга келди. Рус додхоҳлари Потёмкин ва Суворов Молдавияга бостириб қириб, у ерни истило қилдилар. Турклар яқингинада бўлиб ўтган урушлар ва даребейлар билан ички низоларидан кейин ҳали ўзларига қелиб қўлуришмаган бир пайтда руслар Дунай томон осонгина йўл очиб олдилар. Турклар яхши жанг қилсалар ҳам, самара қам эди. Рус қўшинларига қарши туришга уларнинг қучлари қолмаётганди. Нихоят тўхтатилмаган тақдирда Оврупода

Русия кучайиб кетишидан хавфсираб колган Пруссия 1791 йили Австрияни урушга чек кўйишга кўндириш натижасида Систов битими имзоланди. Оврупо давлатлари Туркиянинг гунохларини кечгандай бўлдилар. Бундан ташкари улар орасидаги ўзаро гумонсирашлар туфайли у кутганидан ҳам кўпрок натижага эга бўлди. Австрия ўзига олган Босниянинг бир қисми ўрнига унга Белград қайтариб берилди. Бир йил ўтгач, 1792 йили Русияни Ясси битимини имзолашга рози қилдилар. Шу билан Русия Кримдаги Очаковни олиб, Молдавия, Бессарабия ва Валахияни Туркияга қайтариб берди. Днестр дарёси чегара қилиб белгиланди. XVIII аср охирига келиб ана шундай ҳолат юзага келди.

ТУРКЛАР ХУКУМАТИ – СУЛТОН-ХАЛИФА. Энди империянинг маъмурий тузилишини қараб чиқиш, туркларнинг маъмур бобда баён этилган икки юз йиллик тарихида қўлга киритган ютуқларини аниқлаб олиш зарур. Шу даврга келганда султон гарчи барча мусулмонларнинг халифаси, яъни диний раҳнамоси бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда шундай мавқеи билан ҳам маълум эди. Дастлаб усмонли турклар факат ҳарбий саркардалар деб эътироф этилардилар. Ўрхон ўзини амир деб ҳисоблаган бўлса, Боязид I султон унвонини танлаган эди. Мухаммад Фотих эса султон номига «Бутун қуруқлик ва денгизлар» («Султон ул-Барраин вал-Бахраин») сўзларини ҳам қўшиб қўйди. Салим I Мисрни босиб олганидан кейингина шу давргача аббосий халифаларгагина раво қўриб келинган Пайгамбар алайҳиссаломнинг ёпинчиги Константинополда ҳам қўлланадиган бўлди. Бирок султонлар ҳақиқий халифаликни XVIII асрдагина ўз унвонларига қўшиб олдилар. Шунга қарамай, улар ҳокимияти тобора заифлашиб, халқни тобеликда ушлаб туриш мушкуллаша борди. Халифалик – бу ҳазрат Али авлодларидан қолган мерос, деб билувчи форслар ўзларини ҳаргиз шундай деб ҳисобламасдилар. Хинд мусулмонлари эса шунчаки қизиқиш юзасидангина ўзларини ворис санардилар.

ИМПЕРИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИХАТЛАРИ. Империянинг олий дунёвий ишлари ва диний раҳнамоси бўлган султон-халифа ўзининг қўпгина ваколатларини бошқаларга топшириб қўядиган бўлди. Мухаммад II ўз Қонунномасида давлатдаги олий лавозимларнинг ҳуқуқ ҳамда вазифаларини белгилаб берган даврдан эътиборан шу таомилга амал қила бошлаган эди. Улуг ёки бош вазир султоннинг ноиб ёхуд ўринбосари бўларди. Заиф султонлар ҳукмронлиги даврида у давлат бошлиғи ҳам ҳисобланган. Улуг вазир деярли ҳар қуни вазирлар билан маслаҳат қилиб турарди. Бу кенгашларнинг ҳозирги маънодаги вазирлар маслаҳатларидан фарқи факат шунда эдики, бевосита султон томонидан тайинланадиган вазирлар унинг олдидагина жавобгар бўлиб, бугунги қўплаб демократия мамлакатлари давлат тузумларидаги сингари халқ вакиллари ҳисобланмасдилар. Империя илк усмонийлар даврида бейлар бошчилигида бўлгани каби Румели, Онодўли ва Африко номи ўрта кичик подшоҳликдан иборат эди.

ФУКАРОЛИК ХУКУМАТИ. Аввалига усмонлиларнинг умумий қонунлари бўлгани ҳолда мамлакатда шариат етакчи ўринда турарди. Турклар ўзларининг оддий хизматчиларига жуда асосли сабоқ беришарди ва бир йилликдан кўпроқ муддатли тайёргарлик мактабига ҳам эга эдилар. Иштиёқмандлари минглаб топиладиган бундай ўқишнинг дастлабки босқичи етти йиллик бўлиб, уни тугатганлар донишмандлар деб аталарди. Уларнинг ҳар бири истаган машғулотини танлай оларди, яъни ўқитувчилик ёки қозилик

килиши мумкин эди, оддий муллагика хоши бўлганларга юкори таълим мактабларида яна етти йил тахсил кўришга тўгри келарди. Анча юксак лавозимларни эгаллашга эса олдиндан шахсий сухбатдан ўтишни ҳам ўз ичига оладиган анча юкори талаблар кўйиларди.

ДИНИЙ УЮШМАЛАР. Диний хаёт ҳам яхши йўлга кўйилганди. Туркиядагидек диний ташкилотлар анча-мунча муслмон мамлакатларида йўк эди. Улар ичида тўрттала ташкилотнинг таъсири айникса сезилиб турарди. Соф диний мазмундаги бу ташкилотлар аввалига сиёсий ишларга умуман аралашмадилар. Уларнинг учтаси энг машхур эди. Биринчиси таникли мутасаввуф шоир мавлоно Жалолиддин Румий асос солган мавлавий уюшмасининг тарафдорлари «зикру само билан машгул дарвишлар» номини олдилар. Насронийлар ҳамда муслмонларнинг шиа мазхаби учун муштарак жихатларига эга бўлган Бектоший жамоаси аъзолари расмий ибодатни тан олмасдилар ва улар тасаввуфида муслмонча маросимларга кўп ҳам риоя килинавермасди. Бундай тартиб-қоидалар жоннисорлар орасида айникса кенг оммалашган эди. Учинчи жамоани ташкил килувчи накшбандийлар тўгрисида юкорида ҳам маълумотлар берилди. XVI асрда Хиндистонда жуда катта таассурот колдирган мазкур йўналиш Шох Вали ул-Лакабийдек шахсининг намоён бўлишига имкон яратди. Туркияда диний жамоалар аста-секин бу дунё лаззатларидан бахраманд бўлишни ёктирадиган кишиларнинг ташкилотларига айлана бордилар, уларнинг раҳнамолари эса мол-мулк тўплаб ёмон йўлга кира бошладилар. Хуллас, дастлаб туркларнинг ижтимоий ва маънавий хаётига йўналиш бериб турган жамоалар пировардида уларнинг инкирозига учраб, заволят топишга ёрдам бердилар.

ТУРК МАДАНИЯТИ. Туркларнинг аксарияти азалдан жангчи ва тадбиркор кишилардир. Шунингдек, яхши конунчи ва ташкилотчи эдилар. Улар жамиятларини миллий негизда курганликлари туфайли ўз империяларидаги бошқа жамоаларнинг маданий, ижтимоий ва диний асосларидан деярли дахлсиз қола билдилар. Уларга, яъни булгорлар, серблар, арманлар ва друссларга ўз конунлари асосида яшаш имконини бериб кўйдилар. Шу сабабдан турклар баъзан аралашиб кетганларида ҳам ўз империясини саклаб қола билдилар. Адабий маданият бобида араб ва форс намуналарига, кўпроқ форсларга эргашардилар. Асрлар давомида уларнинг конунчилигида арабча, адабиётида эса форсча майллар етакчилик килиб келди. Тадрижий равишда уларнинг ўз анъаналари вужудга кела бошлади. Бу соҳада узокни кўра биладиган султонларнинг ёрдами катта бўлди. Даставвал бутун турк шеърияти форс назмига хос шакл ва услубга таклидан яратиб келинди. Турклар бу анъанадан воз кечишга кўп вақтларини сарфладилар. Насрда улар янги услубга эртароқ ўтишга муваффақ бўлдилар. 1679 йили авлиё Чалабий «Сайёх кундаликлари»ни ёзди. Оврупога саёхатлари ва юришларида кўрган-билганларига асосланиб битилган мазкур янгича асарда у империянинг ижтимоий ҳамда иқтисодий шарт-шароитларини яхши акс эттирган. Шайх Голиб (1757-1790 йиллар) «Хусну ишк» номли ажойиб дoston яратди. Бу маънавий мухаббат мажози мавлавийлар жамоасининг ўша пайтдаги бошлиги каламига мансуб эди. XVIII асрда «Тагути таворих» («Тарих гултожи») асарини ёзган Саъдуддин ва кўп жилддан иборат «Тарих» китобини яратган Наима ўша даврнинг асосий тарихчилари ҳисобланадилар.